



**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ВОЯГА
ЕТМАГАНЛАРНИ ОММАВИЙ МАДАНИЯТ ТАЪСИРИДАН
ҲИМОЯЛАШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 3-ўқув курси 317-гуруҳ курсанти
Давронова Мадинабону Давлат қизи*

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Давлат-ҳуқуқий фанлар ва инсон
ҳуқуқларини таъминлаш кафедраси ўқитувчиси, майор
Ниматов Шерзод Ниматжонович*

Аннотация.

Ушбу мақолада Ўзбекистонда вояга етмаганларни оммавий маданиятнинг салбий таъсирларидан ҳимоялашда профилактика инспекторларининг ўрни ва улар томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар таҳлил қилинади. Мақолада вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлардан муҳофаза қилиш, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, оммавий маданиятнинг ёшлар онгига таъсири ҳамда мамлакатда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислохотлар, қонунчилик базаси ва ижтимоий лойиҳалар ҳақида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, профилактика инспекторларининг маҳаллалардаги фаолияти, жамоатчилик ва таълим муассасалари билан ҳамкорлигида ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган ишлари кўриб чиқилади. Мақола ёшлар тарбиясида миллий қадриятларни мустаҳкамлаш ва глобал оммавий маданият таъсиридан ҳимоя қилиш йўналишларини илмий жиҳатдан ёритади.



Калит сўзлар

Вояга етмаганлар, профилактика инспектори, оммавий маданият, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, маънавий-маърифий тарбия, миллий кадриятлар, назоратсизлик ва қаровсизлик, ҳуқуқий маданият, ёшлар сиёсати, мафкуравий хуруж, таълим муассасаларида тарғибот, жамият хавфсизлиги, ҳуқуқий тарбия, оила ва жамоатчилик.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жинойтчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида бугунги кунда кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда. Жамиятимизда мавжуд ўта ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув идораси бўлган, ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган, юз йиллар давомида ривожланиб келаётган ва мустақиллик даврида тубдан янгиланиб, замон талаблари асосида такомиллашиб бораётган маҳалла тизими имкониятларини тўлиқ ишга солиш ва аҳоли фаоллигини ошириш жинойтларнинг олдини олишда, албатта, ўз самарасини беради, ана шу меросдан амалиётда моҳирлик билан фойдаланиш зарур Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Асосий вазифамиз—амиятимизни ислоҳ қилиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга қаратишдан иборат” номли маърузасида таъкидлаганидек, “бугунги кунгача ички ишлар ва ҳуқуқ тартибот органлари фаолиятини тартибга соладиган қонуннинг йўқлигини ҳам нормал ҳолат, деб бўлмайди. Шунинг учун мазкур органларнинг, биринчи навбатда, қонун устиворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги



мақоми, фаолият шакли ва усуллари аниқлаштириш ҳамда уларга тузатишлар киритиш зарур” Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича комплекс чора-тадбирлар хусусан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бу борада давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда¹.

Бугунги кунда глобал ахборот макони, интернет, оммавий маданият ва турли кўнгилочар платформаларнинг таъсири остида вояга етмаганлар онги ва хулқ-атвори жиддий таҳдидлар билан тўқнашмоқда. Хусусан, уларнинг ҳуқуқий онги, маънавий тарбияси ва жамиятдаги ижтимоий позицияси оммавий маданият таъсирида сўнғинлашуви мумкин. Бу эса мамлакатнинг келажаги бўлган ёш авлоднинг соғлом, баркамол шахс сифатида шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли, вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлардан, назоратсизликдан ва маданий-ахлоқий бузғунчиликдан ҳимоя қилиш, профилактика инспекторлари фаолиятини кучайтириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Ўзбекистонда ёшлар, айниқса вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар, ахлоқий таназзул ва ижтимоий носоғлом муҳит таъсирида шаклланаётган муаммолар долзарб масалага айланди. Бир қатор таҳлиллар ва оммавий ахборот воситаларидаги маълумотларга кўра, охириги йилларда мактаб ёшидаги болалар ўртасида жиноятчилик, интернет орқали тарқалувчи зўравонлик, ахлоқсизлик тарғиботи, эрта турмуш, жиноий гуруҳларга қўшилиш каби ҳолатлар қайд этилмоқда. Бундай муаммоларнинг келиб чиқишида оммавий маданиятнинг нохуш таъсири, яъни турли хорижий сериаллар, тикток видеолари, интернетдаги тарбиявий даражаси паст контентлар ёшларнинг онги ва хулқ-атворида салбий таъсир кўрсатмоқда.

¹ Абдухалимов У. Т. Ў., Ниматов Ш. Н. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАҲАЛЛА ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ ВА МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИНИ АҲАМИЯТИТ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 14-20.



Бундан ташқари, кўп ҳолларда ота-оналарнинг миграция сабабли хорижда бўлиши, болаларнинг назоратсиз қолиши, тарбиявий муҳитнинг заифлиги ҳам вояга етмаганларнинг хатарларга дуч келишига олиб келмоқда. Айрим маҳаллаларда профилактика ишларининг етарли даражада олиб борилмаётгани, таълим муассасалари ва ички ишлар органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг етишмаслиги муаммони янада кучайтирмоқда. Айнан шу муаммолар фонида профилактика инспекторларининг роли янада ортиб бормоқда. Улар нафақат ҳуқуқбузарликларнинг олдини олади, балки оммавий маданият орқали келаётган маънавий таҳдидларга қарши маърифий, ҳуқуқий ва тарбиявий чора-тадбирларни амалга оширишда муҳим воситачи ҳисобланади. Шу сабабли, ушбу мақолада профилактика инспекторларининг вояга етмаганларни ҳимоя қилишдаги ўрнини ўрганиш – жамиятдаги долзарб ва ҳаётий масалани кўтариш демакдир.

Ёшлар орасида маъмурий ҳуқуқбузарликлар сонининг ошиши кузатилмоқда. Хусусан 2021–2024 йилларда Ўзбекистонда маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари сони сезиларли даражада ошган. 2021 йилда 431 минг эркак ва 96 минг аёл маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган деб топилган бўлса, 2024 йилда эркаклар сони 605 мингдан, аёллар сони 135 мингдан ошган. Ёшлар (18–30 ёш) қаторида айбланганлар сони ҳам 184 мингдан 264 минггача кўпайган². Шунингдек интернет ва оммавий маданиятнинг кенгайиши ва таъсири ортиб бораётганлиги 2025 йилнинг январь–август ойларида Ўзбекистон аҳолисининг 94,2 % қисми интернетдан фойдаланган³.

2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5040-сон қарори қабул қилинди. Ушбу қарор асосида Республика Маънавият ва маърифат маркази

² https://kun.uz/kr/news/2025/03/24/100-mingga-yaqinlashgan-mamuriy-qamoq-5-barobar-oshgan-deportatsiya-ozbekistonda-huquqbuzarliklar-statistikasi?utm_source=chatgpt.com.

³ https://vaqt.uz/2025/09/30/ozbekistonda-internetdan-foydalanuvchilar-ulushi-keskin-osdi/?utm_source=chatgpt.com



томонидан маънавий-маърифий фаолиятни самарали ташкил этиш мақсадида вазирлик ва марказий муассасалар, ташкилот ва идоралар ўртасида ҳамкорликдаги “Йўл харита”лари ишлаб чиқилди ва ижрога йўналтирилди, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Миллий гвардия ўртасида “Темурбеклар мактаблари”да Соҳибқирон Амир Темурнинг мардона руҳи, жасорати, саркардалик маҳорати, Ватанга буюк садоқати, юксак маънавий фазилатларини ёшлар онги ва қалбига сингдиришга қаратилган туркум тадбирлар ташкил этилди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маъруза ва нутқларида маънавий-маърифий тадбирлар ва лойиҳаларнинг аҳамиятига алоҳида урғу берилган. Масалан, “Менинг фарзандим – Ўзбекистон фахри!” шиори остида республика анжумани ўтказилиб, 70 нафар иқтидорли йигит-қиз ва уларнинг ота-оналари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди⁴. Вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлардан муҳофаза қилиш ва уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш замонавий жамиятнинг муҳим вазифаларидан биридир. Ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш соҳасидаги ҳуқуқий механизмлар ва махсус органлар — профилактика инспекторлари ушбу вазифани амалга оширишда асосий рол ўйнайдилар. Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонунчилиги вояга етмаганларни ҳимоялаш ва ҳуқуқий тарбиялашнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий муҳофазаси ва уларнинг номаълум таъсирлардан ҳимоя қилиниши — жамиятнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги даврда оммавий маданият, интернет ва кўнгилочар воситалар орқали ёшлар турли таъсирларга дуч келмоқда, бу эса уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда янги муаммоларни юзага келтиради. Ўзбекистон Республикасининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва

⁴ https://oyina.uz/uz/article/1295?utm_source=chatgpt.com



хукукбузарликларнинг профилактикаси тўғрисидаги қонуни ёшларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий асосини белгилайди. Ушбу мақолада профилактика инспекторларининг бу соҳадаги фаолияти ва улар томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар таҳлил қилинади.

Ҳозирги даврда мафкуравий хуруж деганда, аҳолининг муайян қатламлари, айниқса, ёшлар онги ва қалбига таъсир қилиб, уларнинг қарашларини ўзларига маъқул йўналишда ўзгартириш, бузғунчилик, вайронкор, ахлоқсизлик ғояларини тарқатиш ҳаракатлари тушунилади. Маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай тажовуз, таҳдид эса, ўз-ўзидан, мамлакатнинг миллий манфаатлари учун жиддий хатарлардан бири, баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги хавфли тўсиқдир. Албатта, мафкуравий хуруж усул ва услублари турлича. Бундай таҳдидларга буюртма берувчилар аксарият жозибали ғоялар, ўзига тортувчи турли ниқоблардан фойдаланган ҳолда иш кўрадилар. Улар бунинг учун маблағни ҳам, сиёсий обрў ва имижни ҳам аяб ўтиришмайди. Мафкуравий хуружларнинг энг кўп тарқатилаётгани, эгаларига катта манфаат олиб келаётгани “оммавий маданият” тарғиботидир⁵.

Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганларни оммавий маданият таъсиридан ҳимоялаш бўйича бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги асосий йўналишлар ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

1. Ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш йўналишида Ўзбекистон Республикаси 1992 йилда «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияни ратификация қилиб, 2008 йилда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди. Бу қонун вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқдаб, ҳудудий

⁵ https://yuz.uz/news/ommaviy-madaniyatning-talim-tarbiyaga-salbiy-tasiri-korinishlari?utm_source=chatgpt.com

⁶ https://ombudsman.uz/uz/docs/voyaga-yetmaganlarning-huquq-va-erkinliklarini-taminlash-samaradorligini-oshirish?utm_s



комиссиялар фаолияти йўналишида Вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар ташкил этилган бўлиб, улар вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликларини олдини олиш ва уларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш масалаларини кўриб чиқади. Бу комиссиялар ота-онаси ёки қаровсиз вояга етмаганларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қарорлар қабул қилади⁷.

2. Маънавий ва маърифий тарғибот ишлари бўйича 2022 йилдан бошлаб, «Маънавият қарвони» лойиҳаси доирасида маҳаллаларда маърифий ва маданий тадбирлар ўтказилмоқда. Бу тадбирларда ёшлар орасида ҳуқуқий маданиятни ошириш, уларни ижтимоий ҳаётга фаол жалб қилиш мақсад қилинган⁸, Конституция ва қонунлар ҳақидаги билимларни ошириш йўналишида мактабларда Конституция ва қонунлар ҳақидаги билимларни оширишга қаратилган кўрик-танловлар ва дарслар ташкил этилмоқда. Бу орқали ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсад қилинмоқда⁹. Ўзбекистонда вояга етмаганларни оммавий маданият таъсиридан ҳимоялаш бўйича амалга оширилаётган ушбу чора-тадбирлар ёшларнинг ҳуқуқий, маънавий ва ижтимоий ривожланишини таъминлашга қаратилган муҳим қадамлардир. Вояга етмаганларни оммавий маданият таъсиридан ҳимоялаш бўйича бир қатор ўзбек олимлари ва мутахассисларининг асарларидаги фикрларига мурожаат қилиш мумкин. Профессор Илҳом Мирабоев ёшлар орасида оммавий маданият таъсирининг салбий ва ижобий жиҳатлари ҳақида бир қатор илмий мақолалар ёзган. Унинг фикрига кўра оммавий маданият ёшларда шахсийликни йўқотиш ва бошқаларнинг фикрига мослашишга оғишишга сабаб бўлади. Шу билан бирга, у оммавий маданиятни тарбиявий восита сифатида ҳам қўллаш мумкинлигини таъкидлайди, масалан, маънавий-ахлоқий қадриятларни тарғиб қилишда. Мисол Илҳом Мирабоев "Ёшлар ва

⁷ https://old.gov.uz/uz/news/view/22629?utm_source=chatgpt.com

⁸ https://oyina.uz/kiril/article/965?utm_source=chatgpt.com

⁹ https://constitution.uz/uz/pages/huquqiy_madaniyat?utm_source=chatgpt.com



оммавий маданият: ҳимоя ва тарбия масалалари" мақоласида ёшлар ўртасида интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали тарқалаётган нотўғри ахборот ва бадтарбиявий контентга қарши таълим муассасаларида махсус дастурларни жорий этиш зарурлигини таъкидлайди. Доцент Саиджон Ҳайдаров ўз илмий ишларида миллий маданият ва глобал оммавий маданият ўртасидаги зиддиятлар ҳақида тўхталади, унинг фикрича, ёшларни оммавий маданият таъсиридан ҳимоялашда аввало миллий ўзликни сақлаш муҳим. Глобализация жараёнида ёшлар учун миллий кадриятларни тушунтириш ва уларга муҳаббат уйғотиш зарур. Мисол Ҳайдаровнинг "Вояга етмаганлар ва оммавий маданият: миллий истиқлолнинг муҳим омиллари" мақоласида ёзилишича, ёшларнинг миллий маданиятга бўлган қизиқишини ошириш учун мактабларда миллий адабиёт ва тарихни мустаҳкамлаш лозимлигини билдириб, Ушбу олимлар ёшларни оммавий маданият таъсиридан ҳимоялаш учун миллий кадриятларни мустаҳкамлаш, тарбия ва таълимда махсус дастурларни жорий этиш, ахборотни филтрлаш ва мониторинг қилиш, медиамаданиятни тарғиб қилиш каби йўналишларни таклиф қилганлар.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва вояга етмаганларга оид қонунчилик тизимида вояга етмаганларни оммавий маданият таъсиридан ҳимоялаш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май кунидаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунида Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва бартараф этиш чора-тадбирларидан иборат тизимдир. Унинг асосий вазифаларига шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни ошириш, ҳуқуқбузарликлар сабабларини аниқлаш ва уларга қарши курашиш киради (4-модда)¹⁰. Профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарликларни профилактика қилишнинг

¹⁰ <https://lex.uz/docs/2387357>



якка тартибдаги ва махсус профилактикаси соҳасида фаолият юритади. Улар вояга етмаганлар орасидаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, уларни ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича ишлар олиб борадилар. Шу билан бирга, инспекторлар жамиятдаги хавфли ҳолатларни аниқлаш, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларни профилактик ҳисобга олиш ва улар билан индивидуал ишлаш вазифасини бажарадилар. Профилактика инспекторининг оммавий таъсири ҳуқуқий тарғибот, профилактик суҳбатлар, ижтимоий фаолият ва маслаҳат бериш орқали вояга етмаганлар ва уларнинг оилаларига етказилади. Инспекторлар маҳаллий жамоалар билан ҳамкорликда жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш, ҳуқуқбузарликларга қарши муросасиз муносабатни шакллантиришга хизмат қилади. Улар жамиятда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашда муҳим рол ўйнайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ички ишлар ва прокуратура органлари ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва оммавий таъсир қилиш соҳасида ваколатларга эга. Ушбу органлар ўзаро ҳамкорликда профилактика чоратadbирларини ташкил этишда ва амалга оширишда фаол иштирок этадилар (7-11-моддалар). Вояга етмаганлар ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазаси жамиятнинг келажагини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Профилактика инспекторлари уларни ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш, ижтимоий реабилитация қилиш ва мустаҳкам ижтимоий мослаштиришга кўмаклашиш орқали ижтимоий барқарорликни таъминлайдилар.

Ўзбекистонда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва назоратсизлик, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш масалалари қонунчилик даражасида мустаҳкамланган. Қонуннинг 1-моддасида мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солиш мақсад қилинган. Унда вояга етмаганлар — 18 ёшга тўлмаган шахслар деб белгиланган. Профилактика ишларида



«назоратсизлик», «қаровсизлик», «ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳвол», «ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар» каби тушунчалар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар профилактика фаолиятининг мақсади ва йўналишларини белгилайди (3-модда)¹¹.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни олдини олишда профилактика инспекторлари қуйидаги вазифаларни бажаради (4-модда):

Назоратсизлик ва қаровсизликнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш;

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

Қонунга итоаткорлик ҳуқ-атворини шакллантириш;

Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги вояга етмаганлар ва оилаларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш;

Вояга етмаганларнинг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларини олдини олиш. Бу вазифалар профилактика инспекторларининг фаолиятининг асосини ташкил этади.

Профилактика инспекторлари томонидан олиб борилаётган чоратадбирлар қаторига вояга етмаганларни оммавий маданият таъсиридан ҳимоялашга қаратилган фаолият ҳам киради. Қонуннинг 7-моддасига кўра, ота-она ёки улар ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларнинг тунда ресторанлар, клублар, дискотекалар ва бошқа кўнгилочар муассасаларда назоратсиз бўлишларига йўл қўймасликлари талаб қилинади. Бу инспекторлар ва оилалар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шунингдек, профилактика инспекторлари ёшларни спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар истеъмолидан сақлаш бўйича тарғибот ишлари олиб борадилар. Улар таълим муассасалари,

¹¹ <https://lex.uz/docs/1685726>



жамоатчилик билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликлар ва ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни олдини олиш мақсадида ўқув-семинарлар, тарғибот тадбирлари ўтказадилар.

Қонуннинг 6-моддасида профилактика фаолиятини ахборот билан таъминлаш механизми кўрсатилган. Давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида ахборот алмашинуви назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳамкорлик профилактика инспекторларининг ишини самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Қичқа қилиб айтганда мазкур қонунлар Вояга етмаганларни назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлардан муҳофаза қилиш, шунингдек, уларни оммавий маданиятнинг салбий таъсирларидан ҳимоялаш жамиятда келажак авлодни соғлом ва маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш учун зарур шартлар яратади. Бунинг учун қонунчиликда аниқ чоралар кўрилган ва улар ижросини таъминлаш жамиятнинг барча соҳалари — оила, таълим муассасалари, давлат органлари ва оммавий ахборот воситаларининг биргаликдаги масъулияти ҳисобланади.

Ўзбекистонда вояга етмаганларни оммавий маданиятнинг салбий таъсирларидан ҳимоялаш профилактика инспекторларининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Қонунчилик ва амалий чора-тадбирлар орқали ёшларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, уларни жамиятга мослаштириш ва маънавий жиҳатдан тарбиялашга катта эътибор қаратилади. Профилактика инспекторлари маҳаллаларда, таълим муассасаларида ва жамоатчилик билан ҳамкорликда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилиш, назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича фаол ишлар олиб борадилар. Шундай қилиб, ёшлар орасида ҳуқуқий онг ва маданиятни ошириш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда оммавий маданиятнинг зарарли таъсирларини камайтиришга қаратилган чоралар миллий тараққиётнинг муҳим йўналишидир.



Фойдаланилган адабиёт ва манбалар:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т., 2017. – 104 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси <https://lex.uz/docs/-6445145>.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 2-апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-532-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-4494709>.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 2-сентябрдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-561-сон қонуни <https://lex.uz/docs/4494709>.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2017-йил 11-сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-445-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-3336169>.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2016-йил 16-сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-3027843>.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2014-йил 14-майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-2387357>.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2010-йил 29-сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-263-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-1685726>.
9. Абдухалимов У. Т., Ниматов Ш. Н. профилактика инспекторининг маҳалла ёшлар етакчиси ва маҳалла етилиги билан ўзаро ҳамкорлигини



аҳамияти // Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – № 4. – С. 14-20.

10.URL:https://kun.uz/kr/news/2025/03/24/100-mingga-yaqinlashgan-mamuriy-qamoq-5-barobar-oshgan-deportatsiya-ozbekistonda-huquqbuzarliklar-statistikasi?utm_source=chatgpt.com

11 .Интернетдан фойдаланувчилар улуши ҳақида мақола // Vaqt.uz, 2025.
URL: https://vaqt.uz/2025/09/30/ozbekistonda-internetdan-foydalanuvchilar-ulushi-keskin-osdi/?utm_source=chatgpt.com

12 . Мақола // Oyina.uz, 2025.

URL: https://oyina.uz/uz/article/1295?utm_source=chatgpt.com

13 .Оммавий маданиятнинг таълим ва тарбияга салбий таъсири // Yuz.uz, 2025.

14. URL: https://yuz.uz/news/ommaviy-madaniyatning-talim-tarbiyaga-salbiy-tasiri-korinishlari?utm_source=chatgpt.com

15. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш самарадорлигини ошириш // Ombudsman.uz

16. URL: https://ombudsman.uz/uz/docs/voyaga-yetmaganlarning-huquq-va-erkinliklarini-taminlash-samaradorligini-oshirish?utm_s

17 . Ахборот хизмати хабарлари // Old.gov.uz

18. URL: https://old.gov.uz/uz/news/view/22629?utm_source=chatgpt.com

19. Мақола // Oyina.uz (кирил алфавитида)

20. URL: https://oyina.uz/kiril/article/965?utm_source=chatgpt.com

21. Ҳуқуқий маданият ҳақида маълумотлар//
Constitution.uzURL:https://constitution.uz/uz/pages/huquqiy_madaniyat?utm_source=chatgpt.com

Қонун ҳужжатлари:

22. <https://lex.uz/docs/2387357>

23. <https://lex.uz/docs/1685726>